ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР МАДАНИЯТИ ГУЛЛАЙВЕРСИН

Кеча Тошкентда Туркманистон адабиёти ва санъати Декадаси очилди

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

13 ИЮЛ ЧИҚИШИ
№ 223 (3451).

13 ноябрь
ЯКШАНБА
1966 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БЕКОБОД ШОЛИКОРЛАРИ МАРРАГА ЕТДИЛАР

Куни-кеча Бекободдан яна бир хушхабар олдик: район шоликорлари давлатга шоли сотиш йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажарганликлари тўғрисида галаба рапорти бердилар. Довлат хирмонига 3320 тонна шоли тўкилди.

Янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган шоликорлик хўжалиги — «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг деҳқонлари районнинг бу катта ютуғига энг салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар шу кунга қадар шолипоялардан 2800 тоннадан ортиқ ҳосил кўтариб, давлатга топширдилар. Ҳали совхозда шоли кўп. Деҳқонлар планга қўшимча равишда яна кам деганда 270 тонна шоли сотиш мажбуриятини олишди.

Йиллик планларини 120—150 процентдан адо этган 1-«Далварзин» совхозининг, «Победа» ва Ленин номли колхозларнинг шоликорлари ҳам район зафарига ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар.

Бекободда уста шоликорлар кўп. Улар бу экиндан энг юқори ҳосил олишнинг ажойиб намуналарини кўрсатмоқдалар. «Октябрь 46 йиллиги» совхозидан Алексей Лим, Ленин номли колхозданВладимир Лин, «Победа» колхозидан Илья Хан, Дзержинский номли колхоздан Иван Ким сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада ва звеноларда ҳозирнинг ўзидаёқ гектар бошига пландаги 25—26 центнер ўрнига 32—33 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Улар яна кам деганда 2—3 центнердан шоли янчишмоқчи.

Шоли ўрим-йиғимини қизғин давом эттираётган Бекобод районининг шоликорлари, пландан ташқари яна 450 тонна ҳосил топширишга қарор қилдилар.

Ўзбекистонда туркман адабиёти ва санъати декадаси 1966

КАТТА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ



Туркманистон санъати ва адабиёти декадасининг тантанали очилиш маросими.

Совет ҳокимиятининг эллигинчи юбилей йили Тошкентда катта ва қувончли байрам билан бошланди—12 ноябрда бу ерда қардош Туркманистон адабиёти ва санъати Декадаси Ўзбекистон бўйлаб тантанали юриш бошлади.

Декада ёрқин, чиройли халқ тантанаси билан бошланди. Санъат саройидан тортиб, бутун шаҳар бўйлаб ранг-баранг безакларга бурканган от сайини чўзилган эди. Олдинги сафдаги ўйноқи арғумоқда туркман адабиётининг отахони Маҳтумқули — СССР халқ артисти Омон Қулмамедов ўтади.

Академик катта опера ва балет театри олдидаги майдонда туркманистонлик меҳмонларни буюк Алишер Навоий — СССР халқ артисти Олимҳўжаев кутиб олади.

Кечқурун соат олти... Театрнинг байрам либосида безатилган залига Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари, қардош республика намояндалари тўпланишди. Саҳнанинг тўрида ҳаммага таниш бўлиб қолган Декада эмблемаси кўзга ташланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляшченко, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдуразоқов, С. Р. Расулов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Г. А. Габриельянц, С. К. Эйдуллаев, М. З. Мирзааҳмедов, А. Р. Ҳўжаев президиумга чиқиб ўтирадилар.

Президиум столи ёнида Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Овезов, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. Ғапуров, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Н. Риков, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Я. Худойбердиев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Х. Назарова, Туркманистон ССР маданият министри К. Сейитлиев ўтирибдилар.

Туркманистон ва Ўзбекистон идеологий муассасалари ва ижодий союзларининг раҳбарлари, таниқли адабиёт ва санъат арбоблари ҳам президиумга чиқишади.

Тантанали йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов очади. СССР давлат гимни янграйди. Болалар декада қатнашчиларига гулдасталар тақдим этадилар.

Минбарда машҳур ўзбек кинорежиссёри СССР халқ артисти Комил Ерматов, У. республика ижодий интеллигенциясидан декада қатнашчиларига самимий салом топширади.

Декаданинг қувончли гўзал қуйлари ҳозир ҳаммамиз орзиқиб кутаётган умумхалқ байрами, билан—эзгу марра—тўрт миллион тонна пахта терилиши билан бир пайтга тўғри келди, деди К. Ерматов.

Таниқли туркман драматурги, СССР халқ артисти Бозор Омонов сўз олади.

У. Туркманистон адабиёти ва санъати арбоблари, барча меҳнаткашлари номидан Ўзбек бирадорларига самимий салом топширади. Икки серқуёш республика халқлари қўлга қўл беришиб келдилар ва олга бормоқдалар. Кўп асрлардан буён бу халқларнинг тарихий тақдири бир бўлиб, Улуғ Октябрь, Коммунистик партия бу халқлар учун янги порлоқ йўлларни очиб берди. Республикаларимиз маданияти ва санъати чамбарчас боғлангандир. Ўзбек драматургларининг спектакллари Туркманистон театрлари саҳналарида муваффақиятли равишда қўйилмоқда, ўзбек адибларининг кўпгина асарлари туркман китобхонларининг зўр муҳаббатига сазовор бўлди. Туркманистон адабиёт ва санъат арбоблари Ўзбекистон диёрида зийрак ва яхши томошабинларни учратадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилади.

Азиз ўртоқлар! Азиз туркман қардошлар!— дейди у.— Бугун элимизда катта ва шодиёна байрам—туркман адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадаси очилмоқда. Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг бутун фикри зикри ва эътибори ўн кун мобайнида ана шу байрам билан банд бўлади. Бу байрам қардош халқларимиз тарихига олтин саҳифа бўлиб киради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан сизларни декаданинг очилиши билан табриклашимга ва сиз, азиз меҳмонларга ва сизлар орқали бутун туркман халқига бизнинг чин кўнгилдан чиққан таҳрикларимизни ва энг яхши тилакларимизни топширишимга ижозат бергайсиз.

Азиз туркман қардошлар, ўзбек халқи сизларни кучоқ очиб, зўр ва самимий меҳр-муҳаббат билан, чуқур иззат- икром билан кутиб олмоқда. Сизлар бизнинг ҳузуримизга келганингиздан бахтиёрмиз ва сизларни энг азиз меҳмонлардек эъзозлаб қарши оламиз.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Тошкентга келган қардош Туркманистон раҳбарларини, шу республиканинг таниқли адабиёт ва санъат арбоблари—Берди Кербобоев, Боқи Сейтақов, Омон Қулмамедов, Майя Қулиева, Сўна Муродова, Вели Мухатов, Аннагул Анқақулиева, Ҳидир Аллақуров, Олти Карлиевни, декаданинг барча қатнашчиларини қизғин таҳриклайди.

Бизда ажойиб анъана бўлиб қолган қардош совет халқларининг адабиёт ва санъат декадалари, деб таъкидлайди Ш. Р. Рашидов, мақсадларимизнинг бирлигидан, маданиятларимизнинг бирлигидан ва улар бир-бирларини ўзаро бойитиб бораётганлигидан бир нишонадир. Бу декадалар совет халқлари улуғ ва бузилмас дўстлигининг, партиямиз тарбиялаб вояга етказган дўстликнинг ёрқин тимсолидир.

Бизнинг қучимиз мана шу дўстликдадир. Улуғ Октябрь ғоялари шу дўстликда ўзининг жонли ифодасини топган. Бу дўстлик абадий барҳаёт Ленин васиятларининг рўёбга чиққанлигидир.

Совет халқларининг дўстлиги ҳамма синовлардан ўтди, чиниқди, мустаҳкамланди ва ҳар қандай тўсиқларни бартараф этишда ҳамда зафарли суратда коммунистик жамият қуришда қудратли куч бўлиб қолди.

Тошкент бошига оғир табиий офат тушган пайтда Туркманистон республикаси биринчилар қатори Ўзбекистон пойтахтига қардошлик ёрдамини берди. Бугун қаҳрамон туркман бинокорлари Ватанимиздаги барча қардош республикаларнинг намояндалари билан биргаликда, ўзбек бинокорлари билан ёнма-ён туриб мамлакатнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлиб қоладиган янги Тошкентни бино қилмоқдалар. Туркман халқининг ана шу шижоати учун, ана шу самимий ва бетараз ёрдам учун сиз азиз дўстларга кўпдан-кўп раҳмат!

Қардош халқларимизнинг дўстлиги қадим замонлардаёқ бошланган. Бизнинг халқларимиз азалдан ёнма-ён яшаб келганлар, бир-бирларига қардош тилларда гаплашадилар; улуғ рус халқининг тили иккала халқнинг иккинчи она тили бўлиб қолган. Бизнинг урф-одатларимиз ва турмуш тартибимиз бир-бирига жуда ўхшаб кетади.

Серсув Амударё қадим замонлардан бери туркман билан ўзбекни иноқлаштириб келган. Халқларимизнинг кўпдан-кўп маданиятлари дўстлик ва қардошлик ипларидан боғланган. Бизда ҳурмат қозонган Улмас Маҳтумқули Хоразм элида таълим олган, туркманлар эса, Алишер Навоий тўғрисида афсоналар тўқиганлар, уни севиб Мирали деб атаганлар.

Ленин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан сўнг халқларимиз ўртасида чиқакам, порлоқ ва кўп қиррали дўстлик вужудга келди. Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси туфайли бу дўстлик ҳақиқий қон қардошликка айланиб кетди.

Октябрнинг нурафшон қуёши халқларимизга равшан уфқлар очиб берди, янги, озод, қувончли ва бахтиёр турмуш йўлини ёритди.

Совет халқларининг қардошлик оиласида партиянинг сиёсаси раҳбарлигида республикаларимиз социал тараққиёт чўққиларига кўтарилди, социализмнинг Шарқдаги ёрқин ва жозибадор машъалларига айланди.

Шонли Туркманистон Совет Социалистик Республикаси қандай ўсаётганлигини, янги-янги ютуқлар қўлга киритаётганлигини Ўзбекистон меҳнаткашлари зўр эътибор билан кузатиб бормоқдалар. Биз Туркманистондаги қурилиш суръатларидан қувонмоқдамиз, бу ишларнинг ҳаммаси Ленин партиясининг ва Совет ҳукуматининг ленинчасига ҳаётбахш ва ҳикматли сиёсатининг ёрқин ифодасидир.

Ҳурматли ўртоқлар! Ўзбекистон ва Туркманистон ССР Конституциялари ҳар бир фуқарога ҳақиқий демократик ҳуқуқлар ва имкониятлар берилганлигини, ҳеч бир миллат ва элат ҳеч қачон ва ҳеч қандай сабабсиз ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ҳам ҳаётий ҳуқуқлардан маҳрум бўлмаслигини, ҳеч ким ва ҳеч нарсанинг ҳеч ҳам ҳаётий ҳуқуқлари ва имкониятлари ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ҳам ҳеч ким ва ҳеч нарсанинг ҳеч ҳам ҳеч ким ва ҳеч нарсанинг ҳеч ҳам ҳеч ким ва ҳеч нарсанинг

РЕМОНТЧИЛАР

Инженерная кўчасидаги 6-уй. Зилзиладан шикастланган уй олдида иш қизғин. Бинокорларнинг қўли қўлига тегмайди. Бу ерда 5-қурилиш бошқармасига қарашли 1-участка ремонтчилар бригадаси табиий офатдан зарар кўрган уйни қўлдан чиқаришаётган экан.

— Бригадамиз қурувчилари чакки ишлашмаяпти, — дейди бригада бошлиғи А. Лушас.— Уларнинг ҳаммаси ўз ишига моҳир усталар ҳисобланишади. Ўзим ҳам ўн олти йилдан бери шу касбда ишлаб келяпман. Жуда кўп шаҳарларда бўлиб, турар-жой биноларн қуришга катнашдим. Асли юртим эса Руминия. Қурувчилик касбини ўша ерда эгаллаганман.

Бригада аъзоларининг ғайратига офарин айтсак арзийди. Ўтган бир ой ичида 25 та квартира тўла ремонтдан чиқарилди. Улар аввалгидан ҳам бежирим, пишиқ қилиб қўлдан чиқарилди. П. Пападопулос, П. Банеспетрус, В. Баранцев каби ремонтчилар бу ишда бошқаларга ўрнак бўлишяпти. 12 кишилик бригаданинг аҳди — янги йилгача яна бир неча ўн квартирани ремонтдан чиқариб, эгалари қўлига топширишдир. Бу бинокорларнинг ўнлаб пойтахт аҳолисига муносиб совғаси бўлади.

А. НОДИРОВ.

ЛИТВАЛИК қурувчилар янги Тошкентни бунёд этишда ўз ҳиссаларини қўшаяптилар. Литва қурувчилари орасида пешқадамлар оз эмас. Автокранчи Поцюс Пятрас ана шундайлардан. Суратда: П. Пятрас.

◆ ◆ ◆

ТОШКЕНТ уйсозлик комбинати 1-участкасининг монтажчи ва пардозловчилари Чилонзордаги 17-кварталда байрам арафасида тўртта уйни фойдаланишга топширишди. Бу ерга 300 онла кўчиб киради. Суратда: 1-участка пардозловчилар бригадаси бошлиғи Лазиз Қораев (ўнгда) ва бригада аъзоси пардозловчи Шавкат Адашев ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотолари.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ

ТОШКЕНТ, 10 ноябрь. (ТАСС). Ўзбекистон далаларида йиғим-терим давом этяпти. Мавсум бошидан бўён териб олинган пахтанинг миқдори ҳозирнинг ўзидаёқ уч миллион тўққиз юз минг тоннага етди. Пахта тайёрлашда рекорд кўрсаткичга эришилган булутли йили ҳаммаси бўлиб шунча пахта териб олинган эди. Янги мажбуриятни бажариш учун яна юз минг тонна пахта териш керак. Далада ҳали ҳосил кўп.

Яқинда мен «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида бўлдим. Бу хўжалик ана шу номни 1929 йилда, республика ташкил қилинганидан сўнг орадан беш йил ўтгач олган эди. Совхоз директори З. Т. Махсумов қуйидаги рақамларни айтиб берди: совхоз биринчи йили 1.300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан уч центнердан ҳосил олган. Бу йил эса 4.042 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта териб олди. Тайёрланган ўн икки минг тонна пахтанинг ўн минг тоннаси машиналарда терилди. Барча ҳосил биринчи сортга топширилди.

Бу ажойиб хўжалик ҳақида кўп гапириш мумкин. Бу ерда пахтачиликни комплекс механизациялашнинг омилкорлари — СССР Олий Советининг депутати Мустафо Чачи, Абдурашид Орзиқулов, Абдувоҳоб Муродов, Виктор Петянин кабилар ишламоқда. Улар тўкилган пахтани терадиган механик подборщикларни жуда яхши ишлатишди. Пахтакорлар ана шу механизмларни кўпдан бери кутишарди. Бригада ва звеноларнинг коллективлари бир участкасининг ўзида йиларча йиллардан буён меҳнат қилишади, ўз ерларининг шароитини яхши билишади ва уни севишади. Бироқ, мени юбилей йилининг ҳосили ҳақидаги масала қизиқтирди.

Худди менинг миямда ҳосил бўлган саволга жавобдек ҳамма жойда уча оладиган «АН-2» самолёти пахтазорлар устидан гуриллаганча парвоз қилиб ўтди. Унинг кетида чўзиқ кулранг кукун пайдо бўлди — самолёт ўғит сочмоқда эди. Ўн етти бригадада ер ҳайдаш одатдагидан эрта бошланган.

Совхоз партия комитетининг секретари Ҳалима Ғафурова бугун менга телефонда қуйидагиларни маълум қилди:

— Октябрь революциясининг эллигинчи йили биринчи меҳнат кунини барча бригадаларда ер ҳайдашга оммавий равишда киришган ҳолда бошладик ва дастлабки минг гектар майдонни шудгор қилдик. Ўйлайманки, улуғ байрамни ҳар гектар ердан ўттиз уч центнердан ҳосил кўтарган ҳолда қарши оламиз.

...Бугунги кунда бутун Ўзбекистон юбилей йилида кўпроқ ва яхшироқ кўрсаткичларга эришиш ҳақидаги ҳис-туйғу билан яшамоқда. Мўл ҳосил учун юриш ҳозирнинг ўзидаёқ бошланди, республика эришган муваффақиятлар қанотида бошланди: ана орадан бир неча кун ўтгач, Ўзбекистон давлатга тўрт миллион тонна пахта топширилганлиги ҳақида рапорт беради. Биз ана шу қувончли хабарни орзиқиб кутяпмиз, бусиз мумкин эмас — қўш орденли Ўзбекистон революциясининг эллик йиллигига ана шундай кириб бормоқда.

Мен ҳар қайсиси ўзига хос қийин бўлган кўпгина пахта баҳорини биламан. Лекин ана шу баҳорларнинг биронтаси ҳам бу йилги баҳорга ўхшамаган эди. Ёзнинг бошида тоғдан келган кучли оқим Фарғона водийсида ўн мингларча гектар энг серҳосил ерларни ювиб кетганда кўпгина одамлар куз ҳақида ташвишланганликларини яширмаган эдилар. Бироқ, меҳнат ва уюшқоқлик ҳамма варсадан устун келди. Мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Ҳосил йиғим-терими авжи қизғин паллада Ўзбекистон далаларида 24 минг терим машинаси ишлади. Барча пахтанинг саксон процентдан кўпроғи биринчи сортларга топширилди. Пахтанинг сифати сезиларли даражада яхшиланди. Кўпчилик пахта тозалаш заводларида машинада терилган пахтанинг толаси эндиликда қўлда терилган яхши пахтанинг ГОСТ талабларига жавоб берувчи толасидан қолишмаяпти.

Ўзбекистон бу йилги галабаси билан пахтачиликда катта одим ташлади ва 1970 йилга белгиланган маррага яқинлашиб қолди. Пахтакорлар бу одимни қандай бошлаганликларини эслаш қизиқарлидир.

Мен Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида чиққан маҳаллий газеталарни ўқидим. 1920 йилнинг 4 августда «ТурнЦИК ахборотн»да биринчи марта пахтачилик ҳақидаги мақола пайдо бўлган эди. У вақтда пахтачилик амалда йўқ эди. Босмачилар ва интервентлар нима сабабдан пахтачиликка қарши жон-жаҳдлари билан ҳужум қилган ва уни XIX асрнинг ўртасидаги даражага суриб ташлаган эдилар? Мақола ана шу саволга жавоб беради. «Жаҳон империализми, — дейилади унда, — дунёда биринчи социалистик давлатни бўғиб ташлаш мақсадида даставвал марказни Колчак ёрдамида металлдан, Деникин ёрдамида кўмир ва нефтдан, Дутов ёрдамида пахтадан маҳрум қилишга интилди».

«Мана, — деб давом этади газета, — нефть курашиб қўлга киритилди. Шахтёрлар ер остига тушишди. Дастлаб ёқилғи, сўнг доғ, сўнг металл ортилган эшелонлар йўлга чиқди. Эндиликда пахта ортилган эшелонларга ҳам навбат келди».

1921 йилда Ўзбекистон территориясида қирқ минг тонна пахта тайёрланган эди. Республика тайёрланган пахтасининг миқдорини бир миллион тоннага етказишни учун ўн беш йиллик муддат керак бўлди. Бу кўрсаткичга етишгач, Совет Иттифоқи пахта мустақиллигига эришди. Иккинчи миллион тонна учун ҳам худди шунча, яъни ўн беш йил (агар уруш бўлмаганда бу кўрсаткичга тезроқ эришилган бўлур эди) муддат зарур бўлди. Бу маррага 1950 йили эришилди. Учинчи миллионни штурм қилиш ўн йил, тўртинчи миллионни штурм қилиш эса фақат етти йил давом этди. Ўзбекистон революциясининг эллигинчи йилига қадам қўяр экан, бешинчи миллион учун курашни бошламоқда.

Шу мақсадда ҳозир яна, ҳосил йиғим-теримидан кейин ҳам пахтакорлар кечалари тўлиб ухлашмаяпти. Ёз бўйи ўз бағридан жуда кўп миқдорда сув ўтказган каналлар баҳорбоғ қилиб тозаланмоқда. Мен Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида қуйидагиларни кўрдим:

Диспетчернинг ишдан катта бўлмаган хонаси. Бу ерда одамлар ҳеч қачон ухлашмайди, каналлар мамлакатининг марказий нерв системаси ана шу ерда. Ёздаги навбатчилик серташвиш бўлади: сув тошқини, сел. Бу йил ёзда сув тошқини ва сел кўп бўлди. Ҳозир осойишталик. Дарёларнинг тубн кўриниб қолди, уларнинг устидаги кўприклар одатдагидан баланд кўринади. Плотиналар бекитилган, каналлар чарчагандек бўмбўш.

Бироқ, бу осойишталик фақат ташқи кўринишдан иборат, бекорчилик одамларнинг тушига ҳам кирмайди. Лидия Яковлевна Самцова министрликда ўттиз йилдан буён ишлайди. Ўзбекистонда бу ишлаб қўл урмаган канал борминкин? Ҳозир у старший диспетчер. Мен ундан ўрталабки биринчи телеграммаларни кўрсатишни сўрадим.

«Тошсоқа» каналн: «Бошладик» — гўё кўз ўнгимда 800 экскаваторнинг ҳаммаси бугун ўрталаб канални тозалаш учун ўз ўринин эгаллагандек гавдаланади.

Ғузордан: «Пачкамар сув омбори қурилишида «МАЗ»лар дамбанинг олтмишинчи метрига тупроқ уйиш учун ишга чиқишди. Яна ўн метр кўтарилса, сув омборининг жуда баланд тупроқ уйимидан иборат плотинаси тайёр бўлади».

Урганч: «Цемент кутяпмиз». Бу телеграмманинг ўзига хос катта аҳамияти бор — юбилей йилида канал деворларига бир миллион кубометрнинг учдан бир қисми миқдорида бетон ётқизилади.

Самарқанд яқинидаги Каттақўрғон сув омборидан: «Сувни тартибга солувчи башнянн реконструкция қилиш тугалланмоқда». Демак, сув омбори юбилей йилида 680 эмас балки 900 миллион кубометр сув қабул қилиб олади.

Қулоғимга қуйидаги сўзлар эшитилди:

— Алло, алло... Каттақўрғон. Зарафшондан юз куб боряпти. Сувни қабул қилишга тайёрмисиз?

Ёқлим хасислик қилиши мумкин. Тоғларда канча қор ёғишини ким билади. План бўйича сув омборларида 2.700 миллион куб сув тўпланиши керак. Мана, ҳозирнинг ўзидаёқ уч миллиард ҳақида гапиришяпти.

Бу рақамни мен 31 октябрдаёқ эшитган эдим. Тошкентда келгуси, юбилей йилининг ҳосили ҳақидаги масала муҳокама қилинган эди. Сўнгра «Юбилей йилининг ҳосили ҳақида» деган қарор қабул қилинди. Шу кунн тайёрлов пунктларидан бу йилги план бажарилди! деган телеграммалар келди.

Министрлик ва областлардан келган докладчиларга етти минутдан вақт беришди. Улар барча пахтани тезроқ териб олиш ва келгуси йил ҳосили янада мўлроқ бўлиши учун замин яратиш мақсадида нималар қилиб қўйганлиги ва яна нималар қилиниши лозимлиги ҳақида гапиришишди. Эндиликда ноябрь ойида ерни шудгорлаб олиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Йиллик талабнинг учдан бир қисми миқдоридаги суперфосфат ҳозирнинг ўзидаёқ тайёр. Бироқ, баҳор ҳақида, азотли ўғитлар ҳақида ҳам ўйлаш керак. Шу заҳотиёқ қарор қабул қилинди: Чирчиқ ва Навоий комбинатларида янги қувватларни ишга туширишни тезлаштириш керак.

Ўзбекистон Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллигинчи йилига улкан режалар билан қадам қўйди Бу режалар амалга оширилишига шубҳа йўқ. Халқнинг меҳнат ташаббуси, унинг ишчанлиги, катта, дадил қадами бундан далолат бермоқда.

Г. ДИМОВ,
«Известия» мухбири.

«Известия» 1966 йил 11 ноябрь.

КПСС XXIII СЪЕЗДИНИНГ ИШИ ТЎҒРИСИДА СТЕНОГРАФИК ҲИСОБОТ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг 1966 йил 29 мартдан 8 апрелгача бўлиб ўтган XXIII съезднинг иши тўғрисида икки томли стенографик ҳисобот босмадан чиқди.

Биринчи томга КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездига Марказий Комитетнинг Биринчи Секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев қилган ҳисобот доклади ва КПСС Марказий Ревизия комиссияси раиси Ўртоқ Н. А. Муравьёвнинг съездга қилган ҳисобот доклади киритилган. Китобда шунингдек КПСС XXIII съездига мандат комиссиясининг доклади, съезд делегатлари ва меҳмонларнинг нутқлари, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг якуновчи сўзи, КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан съезд қабул қилган қарорлар босилган.

Иккинчи томга СССР Министрлар Совети раиси А. Н. Косигиннинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди директивалари» доклади, съезд делегатлари ва меҳмонларнинг нутқлари, Ўртоқ А. Н. Косигиннинг якуновчи сўзи, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан КПСС XXIII съезднинг баёноти, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съезднинг ёпилиш вақтида Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқ киритилган. КПСС Марказий Комитети ҳисобот доклади юзасидан съезд қабул қилган резолюция, КПСС уставига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида съезднинг қарори, КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди директивалари лойиҳаси юзасидан қабул қилинган қарор, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезднинг директивалари, КПСС Марказий Комитети ва Марказий Ревизия комиссиясининг партия XXIII съезди сайлаган состави ҳам шу томга киритилган.

Китобга берилган иловаларда съезднинг ҳал қилувчи овозга ва маслаҳат овозига эга бўлган делегатларнинг рўйхати, чет эл коммунистик миллий—Демократик ва сўл социалистик партияларнинг съездга йўллаган табриклари, КПСС XXIII съездида сўзга чиққан нотиқларнинг номлари босилган.

Стенографик ҳисоботни снёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди. (ТАСС).

ОЛИМ ЮБИЛЕЙИ

Ленин мукофотининг лауреати, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Елқин Холматович Тўрақулов 50 ёшга тўлди. У ўз ҳаётининг 30 йилини актив илмий-педагогик фаолиятга бағишлади.

Ўзбекистон Фанлар академияси, академиянинг ўлка экспериментал медицинаси, зоология ва паразитология институтлари, Тошкент Давлат университети ва республика биохимия жамияти 11 ноябрда чақирган юбилей мажлиси олимни муборакбод қилишга бағишланди. Юбилярнинг ҳамкасблари, унинг жуда кўп шогирдлари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари, бошқа шаҳарлардан келган меҳмонлар тантанада қатнашмоқ учун академиянинг конференц-залига тўпландилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов юбилей мажлисини очди. Тошкент медицина институтининг ректори К. А. Зуфаров Е. Х. Тўрақуловнинг катта иқтидорий йўли ҳақида гапириб берди. Қалқонсимон без касалликлари диагностикаси ва даволашда ўз ҳамкасблари билан бирга янги йўл очган кенг профилдаги олим сифатида юбилярни характерлаб берди.

Кўпгина илмий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари олим шаънига табрик нутқлари сўзладилар. Мамлакатнинг турли шаҳарларидан олинган табрик телеграммалари ўқиб эшиттирилди.

Тантанали вазиятда Е. Х. Тўрақуловга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи топширилди. У биология фаннини ривожлантириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлган эди.

Е. Х. Тўрақулов ўзининг жавоб нутқида қутловлар учун самимий ташаккур билдирди ва ўзининг бутун кучини Ватанга, Коммунистик партияга хизмат қилиш ишига бундан буён ҳам бағишлайман, деб ишонтирди. (ЎзТАГ).



ОҲАНГАРОНДАГИ «Санте хлит» заводи ҳозирги замон мураккаб машиналари билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш илғорн Нишон Кограков ўз конвейерини яхши ўзлаштириб олган. Смена топшириқларини бир ярим баравар ошириб бажарлити.
Суратда: Н Кограков.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

МЕҲРИ ДАРЁ АЁЛЛАРИМИЗ

РАҲМАТ, ОНАЖОН

МАҲАЛЛАМИЗДА бир аёл бор. Унинг исми Хатми хола. Ишлари элликлардан ошиб қолган. Юзларидан доим табассум аримайдиган бу аёл ҳақида гап кетганида катта-кичик унинг номини эҳтиёт қурмат билан тилга олади. «Умридан барака топсин, — деб айтишади қариялар, — бегона жойдан келибки, шу жўжабирдек оилага бош-қош бўлиб ўтирибдими, унга ҳар қанча раҳмат айтсак, озлик қилади. Она дегани мана шундай бўлиши керак».

Дарвоқе, Хатми хола кими, қандай қилиб элнинг иззат ва эҳтиромига сазовор бўлди? Келинг, ана шу ҳақда ҳикоя қилиб берайлик.

... Бугун Хатми холанинг ўртанча ўғли Умарнинг ҳаётида унутилмас воқеа. Хонадонда тўй-тантана. Қўни-қўшнилар, йиғитнинг ёру биродарлари икки қўли кўксида хизматда. Хатми хола ҳам елиб-югуриб юрибди. Унинг қувончи чексиз. Ахир, шодланмай бўладими. Бундай кунларни орзиқиб кутди. Орзусига ҳам етди.

Мана, куёв ҳам келинникидан қайтиб келди. Одат бўйича қариндош-уруғлар — аёллар Умарнинг атрофини ўраб олиб, уни муборакбод қила бошладилар. Шунда Хатми хола ҳам Умарни бағрига босиб, юз-кўзларидан ўпди. «Болагинам, — дерди у хўрсиниб, агар ўз ота-онанг бўлганида, ҳозир сени кўриб қанчалик қувонишган бўлар эди».

Умар бу сўзларни эшитар экан, қалби алланечук бўлиб кетди, бир зум хаёлга чўмди. Унинг кўз ўнгидан болалик чоғлари бирма-бир ўтарди.

Онаси Санобар хола вафот этганида оиланинг энг катта фарзанди Муҳаммаджон йигирма бир ёшда, Умар эндигина ўн олти ёшга қадам қўйган, Рихсивой эса, бешинчи синфда ўқир эди. У жуда яхши эслайди: онасининг вафотидан сўнг кўп ўтмай, қариндош-уруғлари бир ёрга жамуяжам бўлиб, отаси Бўри акани қистовга олишди. Санобарнинг ҳамма ҳурматини ўрнига қўйдингиз, бунинг учун сизга минг раҳмат. Энди йўқ демай бизнинг маслаҳатимизга ҳам кўнинг, болаларингизнинг кир чиридан, иссиқ-совуғидан хабар олиб туриш, тарбия қилиш учун она ҳам керак-ку, ахир.

— Келинни ҳам топиб қўйдик, — деб қазиллашди қариндошлардан бири, — ўн икки йилдан буён бева экан. Аввалига кўнмадилар. Кейин, майли, мен ҳам тўрт ёшимда отамдан етим қолганман, етимлик нималигини жуда яхши биламан. Уч-тўрт фарзанди бор, деб айтяпсизлар, ўша фарзандлар ҳаққи, мен розиман, деб айтди.

Бу сўзларни эшитгач Умар, Муҳаммаджон, Рихсивойлар дастлаб ҳунчалик рўйхушлик беришмади. Онамиз вафот этган-ку, қандай қилиб бизга бошқа бир аёл она бўла олади, деб тихирлик қилишди улар. Лекин Хатми хола болажон аёллардан эди. У оилага келгач, бу ердаги ҳар бир боланн— ўзининг фарзанди деб билди. Ҳар бирининг феъли-атворига яраша муомала қилди. Ширин гапириб, уларнинг бошини силади. Болларда ўзига нисбатен меҳр-муҳаббат уйгота олди. Уларни сира-сира бririнмади, кўнглини ўкситмади. Шу қалби дарё аёлнинг меҳри туфайли болалар етимлик нималигини билмай ўса бошлашди.

Лекин кўп ўтмай Бўри ака ҳам оламдан кўз юмди. Ана шунда кўплар Хатми хола кетиб қолса керак, деб ўйлаган эди. Негаки, Хатми хола бу оила учун бутунлай бегона аёл бўлиб қолган эдида.

Эсида. Отаси вафотидан сўнг уч-тўрт ой ўтгач, Хатми холанинг яккаю-ягона қизи Моҳинисо меҳмон бўлиб келди. У кетаётиб, онасини бир чеккага олиб чиқдида:

— Онажон, энди қийналиб қолмасмиканиз, — деди, — майли десангиз биз билан бўла қолинг, неваларингизга буви бўлиб ўтирасиз. Куёвингиз ҳам шундай деб айтяяптилар.

Умар билан Рихсивойлар эшик орқасидан бу гапларга қулоқ солиб туришган эди. Уларнинг авзои бузилди. Ака-ука югуриб чиқиб, онанинг бағрига отилдилар. Бўйнидан қучоқлаб олдилар.

— Онажон, — дейишди улар, — бизни ташлаб кетасизми? Энди биз нима қиламиз, йўқ сизни ҳеч қаёрга юборимаймиз, — ҳўнграб йиғлаб юборишди.

Хатми хола Умар билан Рихсивойни бағрига босиб, юз-кўзларини силаркан, бундай гапни ҳаёлларингизга ҳам келтирманглар, болаларим, — деди. — Мен бу даргоҳга сизларни деб келганман. Бир умрга сизлар билан бирга бўламан.

Она бу гапларни айтаркан, кўрдингми, эҳтиётсизлик қилиб болаларимнинг кўнглини ўкситиб қўйдинг, дегандек, Моҳинисога қаради. Моҳинисо кечиринг, дегандек бошини қуйи эгди.

Бу воқеадан сўнг она-болаларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатлари занжирдек боғланиб кетди. Хатми хола ҳаркандай қийинчиликларга бардош бериб бўлса ҳам фарзандларини одоби элга манзур кишилар қилиб тарбиялаш учун ҳаракат қилди. Умар ўнинчи синфни тугатганидан сўнг қариндош-уруғлари билан маслаҳатлашиб, монтёрлар тайёрлайдиган курсга кириб ўқиди. У бу курсни муваффақиятли битирди. Ҳозир монтёр бўлиб ишлайди. Катта ўғли Маҳаммаджон — шофер. Рихсивой бўйса, Тошкент Давлат университети геология факультетининг 5-курс студенти.

Ана шуларни ўйларкан, Умарнинг ўз қаршисида турган аёлга бўлган фарзандлик меҳри булоқдек жўш уриб кетди...

— Йўқ, йўқ, ундай деманг ойижон, — деди у, — сиз бизларни оёққа турғиздингиз, тарбия бериб одам қилдингиз. Мен сизни бир умрга онам деганман.

Бу гаплардан Хатми холанинг кўнгли тоғдек кўтарилди, кўзларидан беихтиёр севинч ёшлари дувдув оқиб тушди.

— Раҳмат, болагинам, раҳмат,— деди у кўз ёшларини артаркан,— умрингдан барака топ, бахтли, ували-жували бўл!

Онанинг бу гапларни эшитгач, фарзандининг шодлиги гувоҳи бўлган меҳмонлар қалбида ҳам аллақандай илиқ хислар уйғонди. Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган бу аёлга ва унинг бахтиёр ўғлига ўтирганлар ҳавас билан боқарди. Тўй, тантана яна авжига минди. Қувончларга қувонч қўшилди. Шодлик тароналари алламаҳалгача давом этди.

Ўша куни маҳалла қариясн Абдусамад отанинг айтган гаплари сира ёддан чиқмайди.

— Она бўлиш учун, — деб айтди Абдусамад ота, — фақатгина фарзанд кўришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Энг муҳими фарзанди тарбиялаб, одобли, элга, кўпчиликка манфаати тегадиган киши қилиб ўстиришда колган. Шундай бахтга муяссар бўлган аёлларгина оналик бурчини бажарган, она деган улуғ номга муносиб иш қилган бўладилар.

Абдусамад ака бунда Хатми хола Исроиловани ҳам назарда тутган эди. Хатми хола ҳақиқатан ҳам ана шундай улуғ бахтга сазовор бўлган оналаримиздан биридир.

Н. РИХСИЕВ.

Октябрь райони, «Иттифоқ» маҳалласи.

АҚЛЛИ АППАРАТЛАР

Кибернетика халқ хўжалигининг турли соҳаларига кириб келмоқда. Нирик саноат корхоналари, министрликлар ва муассасаларда ҳисоблаш марказлари ташкил этилиб, автоматлаштирилган бошқариш системалари ўрнатилмоқда.

Москвада бош ҳисоблаш маркази қурилиши бошлаб юборилди. Бу ҳисоблаш маркази халқ хўжалигини планлаштириш билан боғлиқ бўлган, саноат қурилиш, транспорт ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бошқаришга доир мураккаб масалаларни ҳал этиб беради.

Кибернетика ҳисоблаш маркази қурилиши бинокорликнинг сўнгги ютуқлари асосида олиб борилмоқда.

А. ТОЖИЕВ.

Сиз суратда кўриб турган бу қиз — Оржоникидзе районидаги «Ленинград» колхозининг пешқадам сут согувчиси Қ. Дувонқулова. У бу йил ўз боқувидаги сигирлардан 2000 литрдан сут согиб олишга ахд қилган.

М. Нуриддинов фотоси.

Қанот

Ёзяпман тўкиб,
Кўзларим нурин,
Шеърим сатрига
Дил меҳрим қўшиб.
Шимиб илҳомим
Қайноқ сурурин,
Мадҳингни куйлаб,
Юрагим жўшиб —

Ёзяпман. Дарғам,
Барака тонгур,
Деҳқонга қанот
Бағишлаган шер!
Алпомишдайим,
Кел, қандингни ур,
Ўпай, заҳматкаш,
Қўлларингни бер!

Тўй маъракага
Шу алп қиғтингда,
Помирдай «олтин»
Олиб келдинг сен.
Кўтарса арзир
Элинг кафтида,
Эй, қутлуғ қадам!
Ғолиб келдинг сен.

Заршунос, заринг
Хар мисқолида
Муаффар халқинг
Ризқи-рўзи бор.
Миннатдор шу халқ
Фикри-ёдида —
Сенга ташаккур,
Раҳмат, сўзи бор.

Пахтанг ишқида
Ёнган кунларинг —
Татиб кўр ўзинг
Зафар белидан.

Уйқисиз бедор —
Ўтган тунларинг
Ўргил бахш этган
Бахт иқболидан.

Сени кўрганман
Аёз, бўронда
Она Ер кўксин
Ийлаган чоғинг.
Бойлигим сен деб
Эъзозлаб жондан,
Қалбинг қўрила
Сийлаган чоғинг.

Сени кўрганман
Сўлим навбаҳор —
Саралаб уруғ
Ташлаганингда.
Орзу-умидинг
Кундай беғубор,
Карвонни олға
Бошлаганингда.

Сени кўрганман
Олов, сел пуркаб,
Бошингда ёниб
Турганда офтоб.
Мардим, матонат,
Жасоратингга —
Инжиқ табиат
Беролмаган тоб...

Парвариш этдинг,
Хар тун нақолга
Меҳринг эмдириб,
Кўз қарағида.
Балли, лочиним,
Мақсадга етдинг
Заринг тарози
Босар чоғида.

Сенга пахтакор,
Дилда иқтиҳор:
Учқур, букилмас
Қанотим, дейди.
Бир жаҳон тўла
Муҳаббати бор:
Марду майдоним,
Пўлотим, дейди.

Пахтазор жамол —
Очиб, дур сочиб,
Момиқ сеп ёзиб
Кўзак келганда,
Бодийда шаффоф —
Оппоқ тонг отиб,
Теримнинг боғи
Учиб, елганда —

Яна миндинг сен
Пўлат отингга,
Кўрдим дил хушнуд,
Эй карвонбоши!
Деҳқонни олиб,
Кенг қанотингга
Мададкор бўлдинг —
Таянч йўлдоши.

Бахтинг йўлингда,
Жилов қўлингда,
Чарх урдинг кунда —
Пахтазор бўйлаб.
Юзлаб тенгқуринг
Ўнгу сўлингда —
Ватан бойлигин
Тақдирин ўйлаб.

Одиминг дадил,
Руҳинг ҳам тетик,
Қўйгансан бино —
Касбингга ихлос.
Тюпко, Турсуной —
Отряди етук —
Башарсан, қанча
Улуғласам оз!

Белингни боғлаб,
Узингни чоғлаб,
Той-той «оқ олтин»
Тўқдинг бункердан.
Хазина қулфин
Очиб дур сочдинг,
Эдинг бошига
Шу она-Ердан.

Бунчалар тезкор,
Терим мавжини
Деҳқон тарихи
Кўрмаган ҳалқ.
Пайкалда отиб
Кенг қулочини,
Пўлат от гаштин
Сурмаган ҳалқ.

Бугун заршунос,
Барча қари-ёш
Қўли кўксида:
Дейди: устозим!
Она-сингиллар
Сенга эгиб бош,
Шукурнимиз, деб
Этмоқда таъзим.

Ёзяпман дарғам,
Барака тонгур,
Деҳқонга қанот
Бағишлаган шер.
Алпомишдайим,
Кел қандингни ур.
Ўпай, заҳматкаш,
Қўлларингни бер!

Ватан қутлайди,
Элинг қутлайди,
Бахтинг қуёшдай
Барқарор бўлсин!
Деҳқон қаноти,
Жанговар отряд,
Соғ бўл, омон бўл,
Зафар ёр бўлсин!

Усмон ЖОНГИТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ IV ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЭСКИРГАН НОМ

Бу қишлоқнинг асл номи Бордонкўл. Қишлоқнинг кенг равон кўчаларида, боғ-роғларида, хиёбонларида сайр қилиб, чиройини томоша қилган киши унинг эски номи билан қизиқмай иложи йўқ.

Ўтмишда у қалин тўқайзордан иборат бўлган эди. Кишилар ёзда бўлтак-сўлтак ерларга деҳқончилик қилишса, қишда қамиш ўриб бўйра-бордон тўқиб келишган. Унинг асли номи ҳам ана шундан қолган.

Октябрь қуёши бордонкўлликлар йўлини ҳам ёритди. Қишлоқда янги ҳаёт барқ ура бошлади. Колхозлар тузилиб, янги ерлар очилди. Эҳ-ҳе ўшандан буён озмунча сувлар оқиб ўтдими. Ернинг ҳақиқий хўжайинлари — қишлоқ меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимиз кўрсатиб келаётган ғамхўрлик туфайли деҳқончилик маданиятини йил сайин ошириб, хўжалик даромадига даромад, қишлоқни обод қилиб, кўркига-кўрк, чиройига-чирой қўшишди. Мана эндиликда қишлоқнинг эски кўринишидан асар ҳам қолмади. Унинг Бордонкўл исми бугунги ҳуснига муносиб бўлмай қолди. Бугун кўз олдимизда қадимий қамишзор, тўқайзор эмас, балки поселка шаклида тиғланган қишлоқ, унинг равон кўчалари, сўлим боғ-роғлари, хиёбонлари, янги типда қурилган уй-жойлари, жамоат бинолари, маданият саройлари кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда.

Қишлоқ советининг раиси Т. Сафаров қишлоқнинг бугунги киёфаси ва аҳолининг маданий турмуш шароити ҳақида бизга ҳикоя қилар экан, кўпгина характерли фактларни айтиб берди.

Илгари қишлоқда бирорта илм ўчоғи бўлмаган. Бугунги Бордонкўл қишлоғида ҳозир тўртта ўрта ва учта саккиз йиллик мактаб, 7 та медпункт, юз ўринли пиқита касалхона, аптека, тўртта алоқа бўлими қишлоқ аҳолисига хизмат қилиб турибди. Бу ердаги учта доимий болалар боғчасида ҳозир қишлоқнинг 170 фарзанди тарбия олаяпти. Шунингдек икки ҳаммом, 22 та магазин, 13 та маданият ва маърифат ўчоқлари меҳнаткашлар хизматида.

Қишлоқдаги ҳамма хонадонда Ильич чироғи нур сочиб турибди. Оқшом чўкиши билан гўё осмон гумбазидаги юлдузлар чамани ана шу қишлоққа қўнгандек кўринади.

Айниқса «Ленинский путь» ва «Политотдел» колхозларида хўжалик бойлигига-бойлик қўшаётган аҳолининг турмуш маданиятини ошириш, уларга маиший хизмат кўрсатишни тобора яхшилаш юзасидан кейинги икки йил мобайнида кўпгина ишлар амалга оширилди. «Ленинский путь» колхозида ўтган йили 180 оила янги уй-жойларга кўчиб кирган бўлса, бу йил колхозчилар учун яна 20 та янги уй-жой қуриб берилди. Колхознинг Ленин ва марказий участкаларидаги йўллар текисланди. Ҳозир колхозда 530 ўқувчига мўлжалланган янги ўрта мактаб ва аптека биносини тиклаш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Хўжалик раҳбарлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV Пленуми қарорлари асосида қишлоқни янада ободлаштириш, аҳолининг маданий-маиший турмуш шароитини юксалтириш юзасидан навбатдаги қатор вазифаларни белгилаб олишди. Ана шу мақсад билан келаси 1967 йилда қишлоқда яна иккита ҳаммом, мактаб ва болалар боғчаси қуриб, аҳолига ҳадя этилади.

Ҳа, «меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деганлар. Бордонкўлликлар ўз меҳнат самаралари гаштини суриб, тўқ ва фаровон ҳаёт кечиришяпти.

М. ТУРСУНОВ,
Юқори Чирчиқ райони.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

УЧУЧРАШУВ

Сўнгги вақтларда жаҳон турли пойтахтларда ўтказилган учта муҳим кенгашнинг гувоҳи бўлди. Бу кенгашларда сиёсий ва иқтисодий принциплари, концепциялари тамомила бошқа-бошқа бўлган мамлакат ва ҳукуматларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Москвада 9 социалистик мамлакат раҳбарлари учрашишди. Улар дўстлик ва самимийлик вазиятида ҳозирги халқаро аҳволнинг энг муҳим масалаларини, тинчлик учун нураш масалаларини муҳокама қилдилар. Бошқа масалалар қатори Вьетнам проблемаси ҳам қараб чиқилди. Чунки, Америка империализмининг бу мамлакатда олиб бораётган агрессив ҳаракатлари бутун дунёда тинчлик ишини фавқулодда жиддий хавф остида қолдирмоқда.

Москвадаги бу учрашувнинг якунлари тўғрисидаги хабар эълон қилиниши билан, Деҳлида учта йирик қўшилмаган мамлакатлар раҳбарларининг кенгаши бошланди. Бу 1956 йилдан эътиборан Ҳиндистон, БАР ва Югославия вакилларининг учинчи учрашувидир. Шундай қилиб, қўшилмаслик сиёсатига амал қилиб келаётган бу мамлакатлар раҳбарлари ўртасида мунтазам консультациялар ўтказиб туриш муайян традицияга айланиб қолди.

Ҳиндистон бош министри Индира Ганди, Югославия президенти Иосип Броз Тито ва Бирлашган Араб Республикаси президенти Гамал Абдул Носир ўз музокаралари давомида қандай масалаларни муҳокама қилдилар? Осиё ва Африкадаги кўпгина мамлакатлар учун мустамлакачилик, ирқий эксплуатацияга қарши нураш проблемалари ҳали ҳам энг муҳим масала бўлиб қолмоқда. Ирқчилик, деди музокарадаги ўз сўзида Ҳиндистон бош министри Индира Ганди, қайсарлик қилмоқда, у мустамлакачиликнинг навқаларда яшириниб колган қолдиқлари билан иттифоқда дагдага қилиб, жаҳон жамоатчилик фикри ва инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари билан ҳисоблашишни истамай, сурбетлик қилаётир. Кенгаш қатнашчилари ҳар қандай кўринишдаги мустамлакачилик ҳамда янги мустамлакачиликка, ирқчиликка қарши қатъий оппозицияда эканлиги ва баён қилдилар. Ривожланаётган мамлакатлар олдида турган иқтисодий проблемаларга ҳам катта эътибор берилди. Иқтисодий мустақиллик таъминланмаган жойда ҳақиқий миллий мустақилликнинг бўлиши мумкин эмас. Кенгашнинг қатъий хулосаси шу бўлди.

Тинч-тотув яшаш принципларининг бузилаётганлиги натижасида тинчлик ишига таҳдид нучаётган бир пайтда, Деҳлидаги учлар кенгашининг натижалари қўшилмаган мамлакатлар кучлари жипслигининг янги намойиши бўлди.

Ҳиндистон пойтахтидаги музокаралар вақт эътибори билан Вьетнамдаги авантюра қатнашчиларининг Маниладаги йиғилишига тўғри келди. Жаҳон матбуотининг кўпгина обзорчилари ана шу икки учрашувнинг мақсад ва вазифалари ўртасидаги кескин қарама-қаршиликни таъкидлаб кўрсатишга мажбур бўлдилар. Агар Манилада агрессияни кенгайтириш планлари ишлаб чиқилган бўлса, Деҳлидаги музокараларда нукул тинчлик проблемалари устида, энг аввал ривожланаётган ёш давлатлар мустақиллигини мустаҳкамлаш хусусида гап кетди.

Жонсоннинг АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив уруши гўё коллектив харгитерга эга деб, ўзининг якка-ланиб қолаётганлигини яширишга уриниши барбод бўлди. Қўшма Штатлар ташкил этган Манила кенгашида Вьетнамда Америка олиб бораётган урушни кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди. Асосий ташкилотчи Америка империалистларидан ташқари кенгашда қатнашган давлатларни умумий бир нарса бирлаштиради: улар ўз дивизияларини америка доллорига сотганлар, ёки ўз мамлакатлари ва унинг халқини эксплуатация қилиш, жилоеда ушлаб туриш учун Америка қўшинларини таклиф қилганлар, ё бўлмаса ҳарбий иттифоқлар орқали Қўшма Штатлар билан боғланиб қолганлар. Бинобарин Вьетнамда жаллаган эдилар. Улар шу мақсадда Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган агрессив уруш бу ҳам «осиё» ва ҳам «коллектив» урушдир деб кўрсатишга уриндилар.

Америка империалистларининг узоққа мўлжалланган мақсадлари шуки, улар ўз агрессив мақсадлари йўлида Осиё ва Тинч океанда итоат билан хизмат қилувчи агентларини жипслаштирмоқчилар. Қўшма Штатлар Франция ва Покистон СЕАТОнинг ҳарбий фаолиятини байкот қилганларидан сўнг ана шундай ҳаракатга тушиб қолди. АҚШ томонидан яқинда тузилган «Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси» ва «Осиё — Тинч океан кенгаши» наби ташкилотлар юқорида айтилган планни амалга оширишга мўлжаллангандир.

Манила кенгашидан Жонсоннинг кўзлаган бошқа мақсади ноябрь ойида Вьетнамдаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатган, Вьетнамдан чиқиб кетиш мажбуриятини олган ва Жанубий Вьетнамдан Миллий озодлик фронти қатнашувида музокаралар олиб боришга розн бўлган бўлур эди. У Америка найзалари ва Осиёдаги кескинлиги туфайли ҳокимият тепасида турган ҳукмронларни рағбатлантиришни афзал кўради-ну, ахир».

Маниладаги конференция жаҳондаги соф ниятли кишиларнинг умумий ғазаб-нафратига учради. Австралияда Жонсон тушган автомобиль норозилик билдирган аҳоли орасидан қўшин ва полициянинг ёрдамида зўрга ўтиб олди. Манилада эса, АҚШ президенти истиқомат қилган отель олдида студентлар намойиши бўлди. Улар кенгашга нисбатан ва АҚШнинг Вьетнам ишларига аралашувига қарши норозилик билдириб, бир овоздан «Жонсон, уйингга жўнаб қол!» «Жонсон—Осиё жаллоди» деб қичқирдилар.

Манила кенгашининг натижалари Осиёдаги мустақил мамлакатлар хушёрлигини оширишга ундайди. АҚШ ҳукмрон доиралари Вьетнамдаги авантюрани империалистик «Осиё доктринаси»нинг биринчи негиз тошига айлантирмоқчилар. Осиё халқлари бунга жавобан жаҳондаги барча тинчликсевар кучларнинг қўллаб-қувватлашига таяниб, Вьетнамдаги бебошлик Америка агрессорларининг Осиё қитъасидаги тел-балигининг энг сўнггиси бўлиши учун қўлларидан келган барча тадбир ва чораларни кўрадилар.

Тараққийпарвар, тинчликсевар инсоният АҚШнинг ҳарбий ҳаракатлари ва агрессив планларига қарамай, Вьетнам халқининг ҳақ иши ғалаба қилажагига чуқур ишонади.

ЕВГ. БЛОК.



Яқинда ООН нинг халқаро ташкилоти ЮНЕСКО 20 ёшга тўлди. Суратда: ЮНЕСКОнинг Париждаги бинаси.

Е. Кассин ва В. Генде-Роте фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Қўшма Штатлар олиб бораётган урушда океан ортидаги империалист агрессорлар кетида соядек судралиб юрибдилар, уларга ёлланганларни етказиб бермоқдалар.

Жонсон Манилага «фақат антив иштирокчигина бўлиб эмас, балки яхши тингловчи бўлиб ҳам» бормоқдаман деган эди. Лекин аслида бу кенгаш Америка империалистлари билан уларнинг малайлари, кредитор билан қарздорлар, хўжайин билан хизматкорлар ўртасидаги учрашув бўлганлигини бутун дунё кўрди.

Қўшма Штатлар Вьетнамдаги агрессив урушда оғир мағлубиятларга учраб, борган сари муваффақиятсизлик ботқоғига ботиб бормоқда. АҚШ империалистлари Жанубий Вьетнамга 338 минг солдат ва миллион тонналаб қурол-яроғ, ўқ-дорилар юбордилар, урушнинг энг ваҳший воситаларини ишга солмоқдалар. Агрессорлар мағлубият аламидан қутуриб, Шимолий Вьетнамга қарши ҳаво урушини бошладилар. Лекин бу ҳам аҳволни ўзгартирмади. ВДР тепасида бир ярим мингдан ортиқ америка самолётининг уриб туширилиши жуда чуқур маънога эгадир.

Қўшма Штатлар олдида бу урушни қандай қилиб актиалаштириш ва айни вақтда жамоатчиликнинг қаттиқ қоралашидан ҳоли бўлишдек қийин вазифа турибди. Балтиморда сўзлаган нутқида президентнинг «ҳеч қандай шартлар билан боғлиқ бўлмаган музокаралар» тўғрисида айтган гаплари, Дин Раскнинг «ўн тўрт банддан иборат таклифлари» ва Қўшма Штатлар томонидан ёки уларнинг воситачилари ёрдамида қилинаётган бошқа нўпгина ҳийла-найрангларнинг бориси ҳам шунда.

Ҳозирги вақтда Жанубий Вьетнамда Жанубий Кореядан 45 минг, Австралиядан 4500, Филиппиндан 2000, Таиланддан 180 ва Янги Зеландиядан 150 ёлланган солдат бор. Америка империалистлари осиёликларни ўз-ўзига гиж-гижлаш сиёсатини қўллаб, ўз малайларини Вьетнам уруши учун кўпроқ тўп еми етказиб беришга мажбур қилмоқда.

Қўшма Штатлар Манила кенгашидан ҳам ўзларининг дунёда якка-ланиб қолаётганликларини юмшатиш мақсадларида фойдаланишни мўлжаллаган эдилар. Лекин бу ҳам ишлаб чиқилмаган, ҳеч ким ишонмаган ва ҳеч ким ишонмаган ҳийла-найранг эканлиги ҳаммага маълум бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда Америка ва унинг сайловларида демократик партия учун кўпроқ овоз олишни таъминлаш эди.

Францияда чиқадиган «Юманите» газетаси Манила кенгашини «ёлғончилик конференцияси» деб атади. Газета Филиппин президентининг Манилада Осиёда тинчликнинг янгидан гуллаб-яшнаши учун асослар яратилади, деб айтган гаплари устидан кулади. Жонсон бу ерда Осиё аҳолисининг 6 процентини ҳам ташкил этмайдиган мамлакатларни — агрессия шерикларини тўплади. «Агар Жонсон ҳақиқатан ҳам тинчликни ахтарганида эди, — деб ёзади газета, — у бомбардимон қилишларни тўхтатган, Вьетнамдан чиқиб кетиш мажбуриятини олган ва Жанубий Вьетнамдан Миллий озодлик фронти қатнашувида музокаралар олиб боришга розн бўлган бўлур эди. У Америка найзалари ва Осиёдаги кескинлиги туфайли ҳокимият тепасида турган ҳукмронларни рағбатлантиришни афзал кўради-ну, ахир».

ПОКИСТОННИНГ ЭНГ МУҲИМ ПРОБЛЕМАСИ

КАРОЧИ. Бу йил Покистонга қўшимча равишда икки ярим миллион тонна ғалла керак бўлади, деди президент Аюбхон Ҳайдаробод районидаги Муҳаммадхон Тандосида сўзлаган нутқида. Президент қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг замонавий усулларидан фойдаланишга, бугдойнинг мўл ҳосил берадиган сортларини кўпроқ экишга, қишлоқ хўжалик кооперативларини ташкил этишга чақирди.

Президент мамлакатнинг бундан кейинги тараққиёти қишлоқ хўжалиги проблемасини ҳал этиш билан мустаҳкам боғлиқ эканлигини таъкидлади.

„СОВЕТ-ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН“

ДЕҲЛИ, 11 ноябрь. (ТАСС). «Советлар мамлакати» журнали ҳузуридаги «Совет-Ҳиндистон дўстлигини мустаҳкамлаш учун» фонди мукофотларини берувчи комитетнинг бу ерда Ҳиндистон бош министри Индира Ганди раислигида мажлиси бўлиб ўтди. Бу мукофотлар адабиёт ва журналистика соҳасида Совет-Ҳиндистон дўстлигига ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига бағишланган энг яхши асарлар учун, шунингдек рус ва совет адабиёти асарларининг Ҳиндистон тилларига қилинган таржималари учун берилади.

Адабиёт соҳасидаги биринчи мукофотлар шоир М. Шрига телугу тилидаги асарлари учун, шоир Судхананда Бхатарига ҳинд-совет дўстлиги тўғрисида тамиль тилида ёзган қўшиқлари учун, машҳур ҳинд ёзувчиси Кришан Чандрга инсонпарварлик ва тинчлик ғоялари билан суғорилган асарлари учун берилди. Суренда Мохан Дас Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини ассам тилига таржима қилганлиги учун, шоир Бачан рус ва совет шоирларининг шеърларини ҳинду тилига таржима қилганлиги учун мукофотлар билан тақдирланди. Энг яхши публицистик асарлар учун бешта мукофот берилди.

Шу билан бирга комитет болаларнинг «Сен Совет Иттифоқи тўғрисида нималарни биласан» деган темада чизган расмлари учун ўтказилган конкурс якунларини кўриб чиқди. 6 мингдан кўпроқ расм тақдим этилган шу конкурсда Ҳиндистон турли районларидан бўлган болалардан бештаси ғолиб бўлиб чиқди. Шу болаларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқидаги «Артек» пионерлар лагерида дам олиш учун бир ойлик йўлланма билан мукофотландилар.

БИРИНЧИ ҚАДАМ

КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзия биринчи савдо делегациясининг яқинда Москвага қилган сафари Совет Иттифоқи билан Малайзия Федерацияси ўртасида савдо муносабатларини кенгайтириш йўлида қўйилган биринчи қадамдир, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Малайзия Федерацияси савдо ва саноат министри доктор Лим Сьи Аун. Бизнинг мамлакатимиз, деди яна министр, ҳозирги вақтда Малайзиянинг асосий бойлиги бўлган ва табиий каучукнинг энг катта харидори Совет Иттифоқи билан тўппа-тўғри, икки томонлама савдо муносабатларини ўрнатиш тарафдоридир.

ЖОНСОН ВА МАКНАМАРАНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 11 ноябрь. (ТАСС). Президент Жонсон Техас штатидаги ўзининг ранчосида (боғида) ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, менимча, конгрессга ўтказилган кейинги сайловларнинг натижалари «хавфсизлик таллуқли масалаларда бизнинг йўлимизни асло ўзгартирмайди» деди. Республикачилар партиясининг раҳбарлари ҳам шу гапни айтишди, деб таъкидлади Жонсон. Президент «Вьетнамдаги урушга ва умуман миллий мудофаага тааллуқли қонунлар соҳасида республикачилар билан яхши ҳамкорлик» қилиқаётганлигини қайд қилиб ўтди.

Шу билан бирга президент, республикачилар шу сайловларда конгрессда янги ўринлар олишга муваффақ бўлганликлари натижасида қонунлар чиқаришга доир программанинг муайян бир қисмини конгрессда қабул қилдириб олишим қийинроқ бўлади, деди.

Президент Жонсон мудофаа министри Макнамара билан ва АҚШ штаблари бошлиқлари комитетининг раиси Уилер билан кенгашлар ўтказгач, мазкур матбуот конференциясида гапирди.

Жонсон кейинги сайловларда республикачилар муваффақият қозонганлигини эътироф қилиш билан бирга, сенатда ва вакиллар палатасида республикачилар кўпчилик ўринни сақлаб қолганликларини уқтириб ўтди. «Шу муносабат билан президент, келгуси конгрессда биз қандайдир алоҳида катта қийинчиликларга дуч келмасмиз, деб ўйлайман», деди.

Сўнгра сўзга чиққан Макнамара ракеталарга қарши курашадиган «Ника — х» ракеталарини яратиш ва жойлаштириш эҳтимоли борлиги масаласини Жонсон билан муҳокама қилганлигини айтди. Бу масалада, деди Макнамара, узил-кесил қарорга келинганги йўқ.

Макнамара, Жонсон билан ўтказилган кенгашда ҳарбий бюджет масаласи муҳокама қилинганлигини айтиб ўтди. Вьетнамдаги урушни пул билан таъминлаб турмоқ учун, деди Макнамара, АҚШ нинг ҳозирги молия йили учун тасдиқланган ҳарбий бюджетига қўшимча харажатлар киритиш талаб қилинади.

АНГЛИЯ. Октябрь ойи охирида Уэлсдаги Аберфан қишлоғига униг ёнгинасида тўпланиб қолган 2 миллион тоннадан ортиқ кўмир шлаки нураб тушди. Кучли ёмғирлар натижасида рўй берган бу нураш бир қанча уйларни ва мактабни вайрон қилди. Жуда кўп қурбонлар бор. Суратда: мактаб вайроналарида қутқариш ишлари олиб борилаётган пайт.

АП—ТАСС телефотоси.

А. НОВОТНИЙНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШИ

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб Республикаси раҳбарлари билан Чехословакия Социалистик Республикаси президенти Антонин Новотний бошчилигидаги Чехословакия делегацияси ўртасида бу ерда музокаралар бошланди.

Президент Новотний Қоҳира ёнидаги Хелуан саноат районини бориб кўрди, бу ердаги саноат корхоналарининг иши билан танишди. У, Миср ишчиларининг меҳнатда эришган муваффақиятларига ва революцион руҳига юксак баҳо берди.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ЎЛДА-ЖЎЛДА

Ўтган йилнинг куз фаслида шаҳар «Водоканал» трести раҳбарлари Чилонзор район аҳолисини сув билан таъминлаш мақсадида Фурқат кўчасидан Чилонзоргача зовурлар қазиш ишларини бошлаб юборишган эди. Худди шунингдек зовурлар Бешёғоч кўчасидаги 34-мактаб олдидан то Большевик кўчасининг охирги қисми — 84-мактабгача қазилган эди. Тўғри, зовурларга трубалар ётқизилди. Монтаж ишлари ҳам тугалланди. Лекин зовурларни кўмиб кетиш ишларини «аҳолининг ўзи бажариб қўяр» деб ўйлашди шекилли, трест раҳбарлари ишни ўлда-жўлда қолдириб кетишди.

Оқибат нима бўлаяпти? Трест раҳбарларининг «ташаббуси» бўлан кўчаларимизнинг ҳусни бузилиб, йўловчиларнинг қатнови анча қийинлашиб қолди. Катталар-ку майли-я: лекин шу йўлдан мактабга қатнайдиган болаларимизга қийин бўлганини айтмайсизми. Ахир бола-да. Шўхлик қилиб бир-бири билан ўйнашади. Зовурларнинг чуқурлиги эса эл-ти-етти метрдан, келади. Кўчамиз шу аҳволда тураверса, бирор кўнгилсиз воқеа содир бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳозир-ку ҳаркалай қуруқчилик. Лекин эрта-индин ҳаво шир этиб қуйиб берса, унда ҳолимиз нима кечади? Бу зовурлар эшигининг тагидан ёки кўчасидан ўтган хонадон борки, ҳозир шу ташвишда.

А. АҲМЕДОВ,
шахсий пенсионер.

„ОҚ КАБУТАР“

Ленин орденли Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри репертуари ҳаётий, сермазмун асарлар билан бойиб бормоқда. Театрнинг ижодий коллективи бу йилги янги мавсумда ҳозирги замон темасида ёзилган бирқатор драма асарларини саҳналаштиришни планлаштирган. Ана шулар ичида ёш ёзувчи Фарҳод Мусажоновнинг «Оқ кабутар» драмаси ҳам бор. Ёзувчининг бу асарига журналистлар ҳаёти асосий мавзу қилиб олинган. Ҳозир бу асар академик театр саҳнасида намойиш қилинмоқда.

Театр коллективи «Оқ кабутар» саҳна асарини талабчан томошабинларимизга манзур бўлиши учун самарали ишлар олиб борди. Чидам билан меҳнат ва изланишлар ўз қувончли натижасини берди. Қобилиятли артистлар томонидан моҳирона ижро этилган ҳар бир роль, образ жонли, ёрқин ва ишонарли чиққан. Саҳнада ҳаракат қилаётган артистлар қиёфасида ижро этувчи эмас, балки айни асар қаҳрамонлари киши кўз ўнгида яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам янги спектакль томошабинларда зўр қониқиш ва мамнунлик ҳиссини туғдирмоқда.

Суратларда: «Оқ кабутар» спектаклидан кўринишлар. (Юқоридан ўнгда) Нигора ролида — артистка **Римма Аҳмедова**. (чапда) секретарь қиз ролида — артистка **Тўти Юсупова** ва **Эркин** ролида — артист **Муҳаммад Рафиқов**. (пастда) Журналнинг масъул секретари ролини — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Зикир Муҳаммаджонов** ва ёш шоир ролини — артист **Рихси Авазовлар** ижро этишмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотолари.

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Марказий Давлат архиви Октябрнинг 50 йиллиги олдидан тарихий ҳужжатлар тўпламларини тайёрлашга киришди. «Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланиши» номли ҳужжатлар тўплами ана шу ижодий ишнинг дебочаси ҳисобланади.

Тўплам 1917-1918 йилларга оид тарихий ҳужжатларни ўз ичига олади.

«Ўзбекистон ССРни индустриалаштириш тарихи», «Туркистон республикасида маданий қурилиш» номли ҳужжатлар тўпламлари ҳам нашр этилади.

Архив коллективи Украинадаги архив ташкилотлари билан ҳамкорликда Украина ва Ўзбекистон халқлари дўстлиги тарихини акс эттирувчи тўплам ҳам тайёрлади. Бу китоб Украинада босилади.

МАРД ТОШКЕНТГА ҲАЙКАЛ

ҚАҲРАМОН Тошкент табиий офат зарбаларига мардона бардош берди. Пойтахтимиз аҳолисининг мислсиз жасоратн тилларда достон.

Халқимиз қаҳрамонлигини абадийлаштириш мақсадида Тошкентда «Мардлик» монументини тиклашга қарор қилинди. Ана шу қарор кенг жамоатчилик таклифи асосида қабул қилинди.

Монумент Чилонзор массивидаги «Дўстлик» проспектида қад кўтаради. Ҳозир аҳолининг жасоратини ифодаловчи монумент лойиҳаси учун конкурс эълон қилинди. Ҳайкал Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейи арафасида очилади.

ТЕЗЮРАР АВТОБУСЛАР

НАВОИ номли театр билан «Ташавтомаш» заводи оралиғи энг узоқ маршрутлардан ҳисобланади. Илгари бу йўлни автобусда 40-45 минутда босиб ўтиларди. Энди ярим соатда етиб борилади.

Яқиндан бошлаб, 1-маршрут бўйича, қўшимча тезюрар автобуслар ҳам қатнайдиган бўлди. У, тез юради, ҳар 3-4 остановкада бир тўхтаб ўтади. 7-8 минут оралиғида келиб туради.

Ҳозир кунига Навоий театри — «Ташавтомаш» заводи йўлида оддий автобуслар билан бир қаторда 10 та тезюрар автобус қатнамоқда.

Янги шеърлар

ГЎДАК ҚАДАМИ

Қўли кўнда гоз турар гўдак,
Қадам босмоқ бўлади, аммо,
Оёқлари титрар, тутолмай —
Кўтаролмас уларни асло.
«Ҳа йигитча, тур, бўл!» дейман
Қани, гоз-гоз озгина қолди.
Жилмаяди гапимга гўдак,
Илк қадамин босиб юборди.
Севинаман юракдан,
Ўйланг,
Илк қадамин босди бир одам;
Демак, инсон қўйибди қадам,
Олга жилар бир қадам олам.

Мамасиддиқ ТУХТАСИНОВ.

ИККИ ШЕЪР

Саҳар чоғи гулга ёпишиб,
Товланарди бир томчи кумуш.
Дейдиларки, бўсага қўшиб,
Уни қуёш сўриб олармиш...
Томчидан ҳам нозик нарса бор,
Баъзан билмай қоламиз доғда,
Шунда узр сўраймиз такрор,
Дўст кўнглини ранжитган чоғда.

* * *

Қиз нолийди: олган туфлиси,
Сиқар эмиш унинг оёғин.
Лекин жуда ёққан шунисн,
Тикиши соз, нодир бўёғи...
Ҳеч қиси йўқ, у торлик қилса,
Алмашамиз бошқа бирига.
Аммо, қийин юрак сиқилса,
Эп топилмас нозик сирига...

Турсун МАМАТОВ.

ЁШЛАР КЎРИГИ

ТЕННИС

Теннис бўйича республика ёшлари ўртасида ўтказилган мусобақалар бир неча кун давом этди. Кортларда ёш теннисчилар Ўзбекистон чемпиони деган юксак ном учун бор билим ва маҳоратларини ишга солиб курашдилар.

Шахсий ҳамда команда биринчилигида «Спартак», «Локомотив», «Буревестник», «Ёш куч», «АСК» ва бошқа командалар қатнашди. Ҳар бир команда составида 12 тадан спортчи бор эди. Буларнинг олтитаси йигит, олтитаси қизлар. Шахсий ҳисобда Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг студенти Э. Феодорнди финалда рақиби Л. Жувакинани 6:4, 6:3 ҳисобида енгиб республика чемпиони бўлди. Йигитлар ўртасида пойтахтдаги 179-мактаб ўқувчиси А. Цейгер биринчи ўринга чиқди.

Кескин спорт курашидан кейин умумкоманда ҳисобида «Локомотив» теннисчилари ғолиб келди. «Спартак» вакиллари иккинчи ўринга, «Буревестник» эса, учинчи ўринга чиқди.

Суратда: республика ёшлар терма командаси аъзоси, 1-разрядли теннисчи И. Коротков мусобақа пайтида.

И. Зайниддинов фотоси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.30 — **Физкультура**, 10.55—**Сирли сандиқ** (болалар учун), 11.05 — **Бахтимиз учун курашганлар, Большевин Артём** (мактаб ўқувчилари учун), 11.40 — **Дўстим Колька** (бадиий фильм).

Рус тилида: 13.05— **Пионерлар «Колокольчик клуби»**, 13.40 — **Кинофильм**, 14.10 — **Ўқув программаси**, 17.00 — **Кинофильм** (болалар учун), 17.25 — **Пионер прожектори**, 18.05 — **Телевизион янгиликлар.**

Ўзбек тилида: 18.20 — **Телевизион миниатюралар** («Ёшлик» студияси).

19.00 — **Узбекистонда Туркманистон адабиёти ва санъати декадаси адабий қисмининг очилиши**, адабий қисмдан сўнг — **Лўлилар ансамблининг концерти, Қора кўзим** (музикали лавҳа).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА 13/XI да кундуз **Майсаранинг иши**, кечқурун **Травиата**. Туркманистон ССР да хизмат кўрсатган артист **М. Шоҳбердиева** қатнашади, 14/XI да **Аида.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/XI да **Қотил.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/XI да **Гули снёҳ**, 14/XI да **Тошболта ошиқ.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 13/XI кеч соат 7 да **Декада адабий қисмининг очилиши ва Туркманистон санъат усталари концерти**, 14/XI кеч соат 8 да **Турнман давлат филармонияси солистларининг концерти.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА («Шапито») — 13/XI кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан**, ўзбек цирки коллективи ва қизиқчилар группаси.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
САНЪАТ САРОЙИДА
Уруш ва тинчлик
номли кенг форматли рангли бадиий фильмнинг иккинчи серияси
(«Наташа Ростова» деган қисмини) кўриш учун
13 ноябрга эълон қилинган кеч соат 5 ярим ва 7 яримдаги сеанслар
19 ноябрга кўчирилди.
Сотиб олинган билетлар ярайди.

ҲИММАТИ ОЛИЙЛАР

(ХАТЛАРГА ОБЗОР

Ҳурматли редакция, — деб ёзади янгийўллик штатсиз мухбиримиз **Нишонали Миршарипов**, — газетангиз орқали Тошкентдаги Октябрь революцияси заводининг ишчиси, соф виждонли Мадамин Эргашевга миннатдорчилик билдиришга рухсат этсангиз.

Эргашев автобус остановкасидан янгийўллик Тўхтамурод Қўшбеков деган кишининг ҳужжатларини топиб олган ва қимматли вақтини аямай, узоқ йўл юриб келиб уни эгасига топширган. У, бу ҳужжатларни топилмалар столига, ёки милиция бўлимига топширса ҳам бўларди. Аммо, ҳужжат эгаси қийналмасин, деган фикр билан олижаноблик қилди у. Паспортдаги адрес орқали ҳужжат эгасининг уйига борди. Қўшбеков Мадаминга катта миннатдорчилик билдирди.

Редакциямизга ҳиммати олийлар ҳақида шунака хатлар тез-тез келиб туради. Уларда ҳалол, соф виждонли кишиларга миннатдорчилик сўзлари юракдан ёзилган бўлади.

Г. Георгевич паспорт ва 313 сўмлик чек пулини қайтариб олар экан. Т. Эшоновга такрор-такрор рақмат айтди. Т. Эшонов уни Киров район давлат страхование бўлими биноси яқинидан топиб олган эди. Бу ҳақда редакциямизга **Қ. Аъзамов** хат ёзиб маълум қилди. **С. Аннаев** эса, ўз хабарига «Ҳалоллик» деб сарлавҳа қўйипти. У. Тошкент Давлат университети биология факультетининг студенти А. Абдиев қурилишдан қайтаётганида йўлдан паспорт, 75 сўм пул ва ҳужжатлар топиб олиб, уни эгаси А. Турсуновага қайтаргани ҳақида ёзади.

Ҳиммати олийларга ҳамма тасанно, дейди.

ТАРОЗИБОН ИСТЕЪФО БЕРДИ

Нишон эна устма-уст иккита кўзойнак тақиб олиб айвонда кўрпа қариб ўтирарди. Радиодаги ашула тугаб, яна гапга ўтилди. Радиомухбир бир қишлоқнинг чол-кампирлари «хайт, деганн тулга мадор» деб фикрлашиб пахта теримига чиқишган хусусида гапирмоқда эди. Нишон эна кўз ойнакларини олиб қўйиб қудоғини девордаги «овоз қути»сига тутди. Қурбон ота. Рўзибиби эна, Холинисо момо, Ҳожимат бобо бирлашиб далага, теримга чиқишибди ва ўз тенгқурларнинг ҳам бир ҳоруг бўлса-да, пахта теришга даъват этишибди. Чавандоз от қарнганда ҳам от гувирини кўриб типерчилаб қолгани сингари Нишон эна ўзига ўхшаш қарияларинг далага чиқканини радиодан эшитиб ўтирган жойида безовталаниб қолди. «Аргамчига қил қувват, ҳарна далда бўлади-ю, деди у гувраниб. Эртасига эрталаб ўғил-қизни, келин-кертакни далага жўнатиб, ўзи боғ этагидаги новрадан ўтди-да, катта зовур ёнидаги далага тушиб пахта теришга бошлади.

Тома-тома кўл бўлур, деганларидек Нишон эна тушгача анча-мунча пахта териб қўйди. Теришга-териб қўйди-ю, бундоқ қопни елкага олмоқчи бўлган эди, қоп қўзғалиш ўрнига ўзи қоп томон оғиб тирсак тираб қолди.

— Вой ўлмасм,—у шундай деди-ю, худди биров кўзатиб унинг устидан кулаётганга ўхшаб кетди ва олазарак бўлиб атрофга қаради. Ҳеч ким кўринмади. У бошидан тушиб кетаёзган рўмолини қайта ўраб, биров ўтиб қолармикан, деган ниятда қопга суяниб, аланглаб турaверди. Бирмаҳал катта ҳовуз бўйлик Ҳамробобо ўтиб қолдилар. Нишон эна чақирайми, чақирмайми, деб андиша қилди». Мен сингари қари бўлса ҳам эркак оти бор-ку», деб ўйлаб «Ҳой Ҳамробобо» дея чақирди. Ота Нишон энадан тўрт-беш ёш катта бўлиб, анча мункайиб қолган, кўзи узоқроқдаги одамни равшан пайқамасди. У овоз чиққан томонга қараган бўлса ҳам кимлигини таний олмади. Нишон эна: «ота, шу пахтамни кирмонга элтишиб бериг», деди.

— Пахтангни, хўп майли, кимнинг қизисан...

Нишон эна нима дейишини билмай қолди. У ўнғайсиз ҳолатда турган эди Ҳамробобо эгатга етиб келди.

— Эй, сиамилингиз нега мен сизга бобо бўлар эканман, — деди сиирак тишларини кўрсатиб куларкан, ўзингиз момо бўпқопсиз-у, мени бобо деб юрибсиз. Сизга ким айтди пахтага чиқ деб.

— Биров мени пахтага чиқарармиди, ўзим-да, ғайратимга чидай олмай чиққан эдим, теришга термб қўйиб... У қопдаги пахтага ишора қилди.

Ҳамробобо ҳассасини белига қистириб, қопнинг огзини эшдида, «қопни кўтартириб юборингчи», деди. Қоп ўрнидан икки қарич кўзғалди-ю, яна ерга тушди. Ҳамробобо Нишон эна олдида ҳижолат бўлиб кетди. Чунки бояғи энани мазаҳ қилиб, «ҳолинг шу экан, нима қилардинг далага чиқиб», деган мазмунда камситган эди. Мана ҳозир унинг ўзи эркак боши билан бир қоп пахтани елкага ололмаётти. Қани у, кимсан Ҳамрополвон бўлиб юрган вақтдаги кучлар. Ариққа тушиб қолган аравани бир елкасида от-поти билан олдинга сурворарди. Ўзининг ҳижолат бўлиб турганн етмагандек, Нишон эна ғалати оҳангда қулиб:

— Бир бало қилиб ўзим сургаб кетаверсам ҳам бўларкан,—деди.

— Ийғе, ундай демант, пахта увол бўлади-я, амаллаб елкага олганимда-ю, опкетиб қолардим-а...

Чол билан кампир у қилиб, бу қилиб қопни уволга олиб келишди. Ҳамробобо қуч ўнгиб, Нишон энанинг далдаси билан пахтани орқалаб олди. Эна қопни тагидан кўтариб борди. Хирмонга келишса ҳеч ким йўқ. Бобо юкини тарозига етказолмай икки-уч метр берига ташлаб юборди. Қаддини ростлаб, терини артиб, белидан ҳассасини олдида суяниб, «ким бор бу ерда», деб овоз чиқарди. Ундан кейин Нишон эна:

— Ҳой, тарозивон, қаёққа кетгансан-у,— деди сайкам — чиқирсанг, — кел пахтангни тортиб ол...

ВОҚИЙ ҲИКОЯ

Ер тагидан бўғиқ овоз эшитилди.

— Тортиб, тўниб кетаверинглар, кечқурун ёзиб қўяман...

Чол билан кампир ажабланиб атрофга қарашди. Ҳеч ким кўринмайди. Яна чақиришди. Ўша овоз қаттиқроқ, зарда аралаш эшитилди. Нишон эна кўриб қолди, тарози ёнидаги уйиб қўйилган пахта ҳар гал овоз эшитилганда қимирлаб қўярди. Кампир бобонинг ҳассасини олиб тўпалоғлиқ пахтага тиқиб кўрди. У ердан боши, елкаларига пахта оқиб бирзангидек йигит чиқиб келди. У ҳамон кўзлари юмуқ, дўқ урди:

— Бирдам мизғиб олишга қўясанларми-йўқми...

Йигит пахтани сиқимлаб отмоқчи эди, кўзи очилиб қаршисида турган чол билан кампирни кўриб тўхтаб қолди. Аммо жаҳлдан тушмади. Уларга салом ҳам бермади, узр ҳам сўрамади. Бунинг ўрнига:

— Қани олинг келинглар, матоҳларингни, — деди тўнгиллаб.

— Олиб боролганимизда сени безовта қилмасдик, — заҳарханда қилди бобо.

— Нега бўлмаса пахта териб ҳаммани овора қиласизлар, менинг вазифам пахта тортиш, ташиб келиш эмас...

— Шу гапларингни ўйлаб гапирганмисан, ҳой бола, — Нишон эна тутоқиб кетди. — Пахтамизни сенга тортгирмаймиз, сендақа беандишанинг таъзирини бериб қўямиз. Ҳали бригадирнинг келсин...

Тарозибон пинак бузмади. Яна ўша тўпалоғлиқ пахта устига енбошлади. Орадан кўп ўтмай хирмонга пахталарини кўтариб қизлар, йигитлар кириб келишди. Улар Нишон эна билан Ҳамро бобони бу ерда кўришиб, ҳанг-манг бўлиб қолишди. Бунинг устига кексаларнинг кайфи чоғ эмаслиги уларни баттар ҳайратга солди.

Нишон энанинг қўшниси лобар қиз Ҳадичахон гаппинг тагига етди. Унинг ҳозиргина кулиб турган юз-кўзлари ғазабнок ўзгариб, тарозибонга найза санчди:

— Уялмадингми, бизга қиладиган қилиғингни уларга ҳам ишлатгани, виждонинг йўқ экан, садқаи йигит кете...

Ҳамма тарозибонга ўқрайиб тикилиб турарди. У ердан кўз узолмас, қаёт-қалт титрарди. Бир нима демоқчи бўлиб оғзини ғанга жуфтлаган эди, звено бошлиғи. Йигитлари уни кифтидан ушлаб нариоқ суриб қўйди. Нишон эна терган, Ҳамробобо олиб келган пахтани дает кўтариб тарозига келтириб қўйди.

— Йигирма етти ярим кило, — деди у мулойим илжайиб, — қатиқ тўкилса юқи қолар, дегандек Нишон эна ҳали ҳам унча-мунча теримчиларимиздан қолишмас экансиз-а... Қизлар энани ўраб олиб уни табриклашар, серажин юзларидан ўпишарди.

Гаппинг каттаси кечқурун бўлди. Бугун тушда еттинчи бригаданинг хирмонида бўлган воқеа раиса, партком гапа айтилди. Тарозибон ғаъни табелчи Қулмат идорага чақирилди, танбеҳи берилди. Қалами қўлдан тортиб олиниб, табелчиликдан туширилди. Тарозига йўлатилмасин, деган буйруқ берилди. Шу гапларнинг устига хассасини тўқиллатиб Ҳамро бобо келиб қолди. У тўрга, раис ёнига ўтиб ўтирди ва салом-аликдан сўнг гап бошлади:

— Нишонойи бир маъқул гап айтяпти, мен ҳам шуни дурст деб ўйлайман. У демоқчи бўладики, биз чол-кампирлар йигилиб бригада тузсак. Белимиз оғримай турган кўнн баҳоли қудрат пахта терсак. Ҳамирга урвоқ бўлиб турсак деймизда.

— Нишонойи бир маъқул гап айтяпти, мен ҳам шуни дурст деб ўйлайман. У демоқчи бўладики, биз чол-кампирлар йигилиб бригада тузсак. Белимиз оғримай турган кўнн баҳоли қудрат пахта терсак. Ҳамирга урвоқ бўлиб турсак деймизда.

Қулматнинг қилган иши ҳамманинг кўнглига қоронгу солган бўлса, бобо айтган гап қалбларни равшан этди. Чол-кампирлар бригадаси тузилди. Ўйга учкам саксон ёшли Ҳамро бобо бошлиқ бўлди, етмиш уч ёшли Нишон эна рўнхатда биринчи ўринга ёзилди. Идорадагилар Ҳамро бобони машинага ўтқазиб жўнатишди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас колхоз партия ташкилотининг секретари радиоузелдан эълон қилди:

— Колхозимизда кексалардан иборат бригада тузилди. Чоллар, кампирлар терган пахтани даладан хирмонга ташиб чиқишга бугун табелчиликдан бўшатилган Қулмат Бойматов қўйилди.

Бу хабар радиоузелдан эшиттирилаётганда Қулмат опа аъзолари даврасида ўтирарди. Хирмондаги воқеадан хабардор синглиси пайтдан фойдаланиб:

— Акавой, табелчилик менга бўлмаяпти, истеъфо бераман дедингиз, энди нима қиласиз, — деди.

— Истеъфоси чиқиб қопти-ку акангни, қизим, — ўглининг ярасига туз сепади дадаси, — дангасалик — бахтсизлик, нексаларни ҳурмат қилмаслик — юзсизлик. Жуда тўғри қилишибди, правлениедагилар, баттар бўлсин!

Ана шундай қилиб кимсан Қулмат тарозибон истеъфога чиқибдилар...

С. МАҲКАМОВ.

1967 ЙИЛ УЧУН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ГА
обуна бўлишни унутманг!

Газетага обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимларида, почтальонлар, фабрика, заводлар, қурилишлар, муассасалар, олий ўқув юртлари, шунингдек колхоз ва совхозлардаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

Обуна баҳоси: бир йилга 5 сўм 28 тийин, 6 ойга 2 сўм 64 тийин, 3 ойга 1 сўм 32 тийин.

ОБУНА ҚИЗҒИН

Шу кунларда қайси алоқа бўлимига кирманг:

— Мени «Совет Ўзбекистони» билан «Тошкент ҳақиқати»га, мени эса «Гулистон» билан «Правда Востока»га, мени «Муштум»га ёзинг, — деган илтимосларни эшитасиз. Фақат алоқа бўлимларидагина эмас, балки корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳам обуна шундай қизғин тус олган. Тошкент трактор-йиғув заводининг 10-цех коллективи 1967 йил учун газета ва журналларга деярли ёзилиб бўлди. Цех мастерларидан Э. Рустамов, Н. Петров, ишчилардан А. Султонов, Р. Абдуманнонов каби ўртоқлар 40-50 сўмдан газета ва журналларга ёзилдилар.

А. НАСРИДДИНОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

1966 йил 23 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химиявий технология бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Черданцев кўчаси, 19-уй, Химия институтининг мажлис зали) химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

И. М. Сандбоева: «Халлофиллум алкалоидлари. Робустини, робустин ва халлофолининг тузилиши» деган темада.

Ю. П. Путиев: «Баъзи целлюлоза ҳосилаларининг инфра-қизил спектрлари» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 24 ноябрь кундуз соат 12 да, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг бирлашган илмий совети мажлисида (Тошкент область, Оржоникидзе район, Ялангоч қишлоғи қишлоқ хўжалик фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Ж. Л. Джавакянц: «Олма дарахти илдиз системасининг тупроқ ва агротехника шароитига қараб ҳосил бўлиши» деган темада.

У. А. Икромов: «Дефолиациянинг ғўзага берилган азотли озуқа даражасига қараб эффективлиги» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 06836
ИНДЕКС 64970.
Г. 1244.